

**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан 2025 йил  
I чораги давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

Тизимда **10 мингдан ортиқ** мактаб ва **37 мингдан ортиқ** МТТда **8,7 млн. нафарга** яқин тарбияланувчи ва ўқувчига **700 минг нафарга** яқин педагог таълим ва тарбия бериб келмоқда.

**I. Мактабгача таълим борасида:**

**1. 2025 йил I чорак давомида 35 та** мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди, натижада **4 750 та қўшимча қувват** яратилиб, қамраб олиш даражаси **77 фоизга** етказилди.

Бундан ташқари, **27 та** янги давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида **3 070 та, 254 та** оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида **11 012 та** янги ўринлар яратилди.

**2. 208 та** (ҳар бир туман (шаҳар)да **1 та**дан) умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида **инклюзив таълим гуруҳлари** ташкил этилди. Мазкур гуруҳларга **612 нафар** ногиронлиги бўлган болалар қабул қилинди.

**II. Мактаб таълими борасида:**

**1.** Умумий ўрта таълим муассасалари учун **15 номда** янги дарсликлар мажмуаси (*математика, физика, кимё, биология дарсликлари ва машқ дафтарлари*) яратилди.

**2. “Рақамли кутубхона”** тизими орқали буюртма бериш, дарсликларни умумтаълим мактабларига етказиш бўйича модуль яратилди.

**3.** Аҳолига **давлат хизматларини** кўрсатиш кўлами ва сифати мунтазам оширилиб, **26 828 нафар** фуқарога **шаҳодатнома дубликати** берилди, **396 нафар чет эл фуқароларининг** фарзандлари мактабга қабул қилинди, **26 593 нафар** ота-оналар фарзандини **бир мактабдан бошқа мактабга кўчириш** бўйича **давлат хизматлари** кўрсатилди.

**4.** Билимни баҳолашнинг янги тартиб жорий қилинган мактабларда **III чорак ЧСБ** имтиҳонлари ўтказилди.

**5.** Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва дарсдан ташқари бўш вақтларида касб ўрганишларига кўмаклашиш мақсадида **“Хоразм вилояти тажрибаси”** йўлга қўйилиб, вилоятдаги **542 та** мактабга **1 300 дан** ортиқ тадбиркор жалб этилди.

Натижада, касб-ҳунар ўрганаётган **7 599 нафар** 8-11-синф ўқувчиларидан **356 нафари** бугунги кунда ўқиш билан бирга ойига ўртача **2 млн** сўм **даромад** топмоқда.

6. Нодавлат умумий ўрта таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти учун “Лицензия” ахборот тизими (license.gov.uz) орқали лицензия талабгорларидан келиб тушган **143 та** ариза кўриб чиқилиб, **63 та**сига лицензия расмийлаштирилди.

7. Ўқувчилар томонидан халқаро олимпиадаларда **26 та** (**6 та** олтин, **6 та** кумуш ва **14 та** бронза) медаль қўлга киритди.

**21-Халқаро Жаутиков** олимпиадасида **28 нафар** ўқувчи томонидан **19 та** (**2 та** олтин, **5 та** кумуш, **12 та** бронза) медаль;

**10-Кавказ халқаро математика** олимпиадасида **7 нафар** ўқувчи томонидан **7 та** (**4 та** олтин, **1 та** кумуш, **2 та** бронза) медаль қўлга киритилди.

8. 2024/2025 ўқув йили давомида умумтаълим мактабларига **75 нафар** хорижий тил эгалари жалб этилди.

Инглиз тили – **66 нафар**, француз тили – **9 нафар**.

9. Менежерлик ўқув курсларида **1 050 нафар** мактаб ва мактабгача таълим ташкилоти директори, **661 нафар** директорликка номзод ўқитилди.

**627 нафари** мактаб, **423 нафари** мактабгача таълим ташкилотлари директори.

10. Хорижий мамлакатларга **16 нафар** педагог ходим малака оширишга юборилди.

11. Узлуксиз касбий ривожланиш курсларида мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларининг **31 815 нафар** педагог ходими малакаси оширилди.

12. Республиканинг барча ҳудудида “**Турон мактаб театри**” танловининг **ҳудудий босқичи** ўтказилди.

13. Давлат харидлари доирасида тузиладиган тўғридан тўғри шартномалар улуши **21,2 млрд. сўм**гача қисқартиришга эришилди.

14. **8 310 ўрин**га мўлжалланган **47 та** (**8 та** мактаб, **39 та** МТТ) давлат-хусусий шериклик лойиҳалари асосида нодавлат таълим ташкилотини ташкил этиш бўйича маҳаллий тадбиркорлар ўртасида битим имзоланди.

Андижонда **1 та**, Бухорода **2 та**, Жиззахда **1 та**, Қашқадарёда **3 та**, Навоийда **3 та**, Наманганда **5 та**, Самарқандда **7 та**, Сурхондарёда **2 та**, Сирдарёда **4 та**, Тошкентда **2 та**, Фарғонада **9 та**, Тошкент шаҳрида **8 та**.

15. Мактабгача ва мактаб таълими тизимида **6,5 млн.** АҚШ доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

- **KOICA** иштирокидаги лойиҳа доирасида – **1,0 млн.** АҚШ доллар;
- **Mercy Corps** иштирокидаги дастур доирасида – **1,6 млн.** АҚШ доллар;
- “**iSTEAM**” (**Озарбайжон**) иштирокидаги лойиҳаси” доирасида – **0,4 млн.** АҚШ доллар;
- **Осиё тараққиёт банки** билан ҳамкорликда – **1,5 млн.** АҚШ доллар;

- **“Orion Group”** (Қирғизистон) иштирокидаги лойиҳа доирасида – **2,0 млн.** АҚШ доллар;

**16.** Қорақалпоғистон Республикаси (**726 та**) ва Хоразм вилоятидаги (**531 та**) **1 257 та** умумий ўрта таълим мактабидаги **285 017 нафар** бошланғич синф ўқувчилари учун **32 та** тадбиркорлар билан шартномалар расмийлаштирилиб, кейтеринг усулида овқатлантириш ташкил этилмоқда.

**17. “Тоза ичимлик суви”** лойиҳасини доирасида Қорақалпоғистон Республикасининг **7 та** ҳудудидаги **26 та** муассасага сув тозалаш тизимлари ўрнатилди.

*Нукус, Беруний, Қонликўл, Чимбой, Шуманай, Элликқалъа туманлари ва Нукус шаҳридаги мактабларга сув тизимлари ўрнатилди.*